

АНЪАНАВИЙ ВА ЕРГА МИНИМАЛ БЕРИШ ТЕХНИКАЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.

О.Р.Эргашев ТИҚХММИ 2-босқич магистранти

Аннотация

Мақолада, оддий усулда экин экиш ҳамда ерга нол ишлов бериш техникаларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Ишнинг асосий мақсади: Ерга минимал ишлов бериш техника ва технологияларини анъанавий усулдан авзаллиги ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.

Олинган натижалар ва уларнинг илмий таҳлили.

Тажриба Тошкент вилоятининг Юқори-Чирчиқ тумани “Гулистон” КФЙ Лубзавод-3 массиви “Обод “ маҳалласи “Агроэкопроф” фермер хўжалигида бўлиб ўтди. Уч кун давомида биз учун ажратилган ерга уруғ экиш учун фасол ,мош, маккажўхори, ўсимликларини экиш орқали анъанавий экиш усули билан “0” ишлов бериш усулини афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш учун фаолият олиб борилди.

1-жадвал

Минимал ишлов бериш орқали экишда фойдаланилган ўсимликлар

№	Номланиши	Меъёри (1кг\га)
1	Маккажўхори	30 кг/га
2	Ловия	45 кг/га
3	Мош	12 кг/га

Ҳар бир ўсимлик тури донлари маҳсус тарозида ўлчаб меъёр белгиланди. Бу фикримизни қуёдаги материаллар билан мустаҳкамлашимиз мумкин.(2-расм).



1-расм. Мош экини уруғи.



2-расм. Электрон тарози.

Фаолиятимизни экиш аппаратини белгиланган меъёрда аниқ ва сифатли экиши учун уни маълум кўрсаткичларга мослаш билан бошланди. Бунда ҳар бир экин учун мосланган уруғ ўтказиш мосламасини ўрнатилиб улардан дон ўтиши, ўтиш даври мобайнида синиш синмаслиги,синган тақдирда экиладиган доннинг неча фоизини ташкил этилиши ўрганилиб чиқилди. Экиш аппарати маълум кўрсаткичларга созланганидан сўнг дала шароитида ўзини қай даражада оқлай олишини синаш мақсадида дала майдонида синов экиш ва кузатиш жараёни бўлиб ўтди.

ЭКИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЎРСАТИГЧЛАРИ.



3-расм. LEMKEN русумли экиш аппарати.



4-расм. VENCE TUDO SA 9400 экиш аппарати.

2-жадвал.

LEMKEN ва VENCE TUDO SA 9400 экиш аппаратларининг иқтисодий, техник кўрсаткичлари.

Техник тавсифномаси		Техник тавсифномаси	
Ишчи кенглиги (м)	2,5	Шинаси	2/militar 6.50-16
Бункер сиғими (л)	650	Бункер сиғими (л)	270
Экгичлар (қатор)	17	Экгичлар (қатор)	8
Оғирлиги (кг)	793	Оғирлиги (кг)	573
Қаторлар оралғи (мм)	150	Қаторлар оралғи (мм)	40
Экгич тури	Икки дискали экгич ва ғилдиракли		
Синов учун экиладиган экин тури		Синов учун экиладиган экин тури	
Макка жўхори	30 кг/га	Макка жўхори	30 кг/га
Ловия	45 кг/га	Ловия	45 кг/га
Мош	12 кг/га	Мош	12 кг/га
Экиш учун сарфланадиган харажат (1гек).		Экиш учун сарфланадиган харажат (1гек).	
Ёқилғи	120000 сўм	Ёқилғи	50000 сўм
Эрга ишлов бериш	120000 сўм	Тракторчи иш ҳақи	60 000 сўм
Культивация қилиш	100000 сўм	Сувчи иш ҳақи	150000 сўм
Тракторчи иш ҳақи	60 000 сўм		
Сувчи иш ҳақи	150000 сўм		
Чопиқчи иш ҳақи	100000 сўм		
Жами :	550000 сўм	Жами :	260000 сўм

LEMKEN русумли экиш аппарати авзалликлари:

- Бир вақтнинг ўзида 17 қаторга экиш
- Экишдаги аниқлик
- Донларни ер майдонига созлаш ускунаси
- Бункер хажми катталиги
- 2 тадан ортиқ функциани бир вақтда бажаради.[3].

VENCE TUDO SA 9400 русумли экиш аппарати авзалликлар:

- Намликни яхшилаш
- Эрозиядан ҳимояланиш (90% тупроқ эрозияси билан камаяди).
- Тупроқдаги органик моддаларнинг мувозанатини оширади.
- Экиш қобилиятини оширади.
- Барқарор рентабелликни беради
- Машинанинг хизмат муддатини оширади (машинанинг ишлатилиши 66% га камаяди).
- Ёқилғи иқтисодиёти ва зарарли моддалар чиқиндилари. Меҳнат харажатларини камайтиради.[2].

Ресурстежамкор қишлоқ хўжалиги дунё бўйлаб деҳқончилик стратегияси сифатида ресурслардан иқтисодий ва экологик жиҳатдан барқарор фойдаланишни таъминлайди. [1]. Нол ишлов бериш тўғридан-тўғри экиш учун фойдалидир. Кўрсатилган тартибга кўра вертикал ва горизантал оғишга ега бўлган диск томонидан уруғ экиш жойи кесилади. Эгатнинг балант бўйи сомон ва шунга ўхшаш ўсимлик қолдиқларини кесиш вақтида бўлинади. Уруғлар маълум усулларда ерга экилади, кейин эса пакетли ғилдирак, дискнинг ҳаракатига қарама қарши эгат бўйлаб ҳаракатланади ва жўякни ёпади. Афзаллиги шундаки жўякларни кесиш учун зарур бўлган сезиларли даражада камайтирилган энергия, жўяк дискида камроқ вазн, уруғни нисбатан чуқурроқ экилиши, камроқ толалар, тупроқнинг камроқлиги ва бегона ўтларни кўпроқ кўмиб ташлаши киради. Ерга минимал ишлов бериш техникасини кўллаш орқали техниканинг ишчи кучи 66% га тежалиши билан бирга эҳтиёт қисмларга узоқ муддат эҳтиёж сезилмайди.

Анъанавий усулда экишга мослашган “Lemken” экиш аппаратидан фойдаланишнинг ўзига хос самарадорлиги бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани бажара олиш қобилиятидур. Lemken экиш аппаратидан фойдаланишда юқори кучланишга эга бўлган трактордан фойдаланишга тўғри келади. Буйи, ени оғирлик кўрсаткичларига таяниб шуни айтиш мумкинки, юқори кучланишга эга бўлмаган тракторлар учун экиш аппаратини ишга тушуриш ноқулайлик ва қийинчилик туғдиради. Юқори кучланишга эга бўлган тракторларнинг ҳажми ҳам оғирлиги ҳам ерга минимал ишлов бериш техникасига қараганда катта кўрсаткичларга эга (2-жадвал). Бу эса экин майдонидаги тупроқ қатламини зичлашишига олиб келади. Анъанавий усулда экиш жараёни тугатилгандан сўнг ҳам ерга ишлов бериш ишлари олиб борилади бу эса тупроқ зичланиши ҳолатини янада кучайтиради.

Хулосалар

1. Анъанавий экиш усулига нисбатан ерга минимал ишлов беришда иқтисодий самарадорлик юқорилиги исботланди.
2. Ерга минимал ишлов бериш усули нафақат иқтисодий балки фойдаланишда ҳам бир қатор афзалликларга ега эканлигини кўрсатди.
3. Ерга минимал ишлов бериш орқали ернинг табиий ҳолатини, унумдорлигини тикланишига еришамиз .

Адабиётлар

1. А.С.Пулатов, А.Каримов, М.Турсунов.«ZEF-UNESCO Ривожланишлари». Тошкент 2011й.
2. https://www.vencetudo.ind.br/pt_BR/produtos/1/19/sa-campo-nativo.
3. <https://rushoz.ru/selhoztehnika/sejaliki/pnevmanicheskie-sejaliki/cr-Lemken.html>